


ФАРҲОД ФАРМОН

# ҚАЛБ НИДОСИ

*Шеърлар ва дoston*



Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти  
Тошкент — 2014

**УЎК: 821.51.133–1**

**КБК 84 (5Ў)7**

**Ф-25**

**Фарҳод Фармон.**

**Қалб нидоси/ Ф. Фармон; – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2014. – 80 б.**

Шоир Фарҳод Фармоннинг илк насрий, мушоҳадаларга ва ҳикматларга йўғрилган китоби – «Ҳаёт сабоқлари»ни кўпчилик севиб мутолаа қилган. Унинг навбатдаги тўпламида руҳан поклик, маънавий бойлик қанча улуғланса, ёлғон ва сохталик, кибру ҳаво шунчалик қораланади. Одамлар орасидаги муомала-муносабатлар ўзининг ҳаётийлиги ва ўзига хослиги билан эсда қолади. Барчасида бадиийлик мезонлари устуворлик қилиб, китобхонда илиқ таассурот уйғотади.

© Ф.Фармон,

© Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти, 2014 й.

## **РУҲИЙ ҲОЛАТ МАНЗАРАЛАРИ**

*(Сўзбоши ўрнида)*

Шеър қоралаб, китоб чиқарадиганлар, китобларини даврама-давра ўқиб юрадиганлар... Уларни қўллаб-қувватловчилар, рағбатлантирувчилар ҳаминиша кўп бўлган ва бундан кейин ҳам шундай бўлади. Бу ҳолат ҳақиқий истеъдод соҳибларининг камлиги-ю, мухлислар савиясининг пастлигига боғлиқ, албатта.

Лекин шундай кунлар келадики, қўлингизга тушиб қолган аллақандай қўлэзма ёки тўплам сизни янги ҳайрат ва янги туйғуларга ошно қилади. Дунё ҳақида, унга муносабат ва қалб борасида шу чоққача билганларингиз камлигини ҳис этасиз. Биринчи асарни тугатар-тугатмас, иккинчи, кейин учинчи асарни ўқий бошлайсиз ва китобнинг охирига етиб қолганингизни билмай қоласиз. Ҳар жумла, ибора, сўз, тимсолдан завқланасиз, улар маъноси хусусида ўйга толасиз.

Асар муаллифининг қайси нуқтадан кўнглингизга боқаётгани ва ўзингиз қайси нуқтада турганингиз ҳақида мушоҳада юритасиз. Шунингдек, юракдаги сўзни айтиш имкониятларининг чек-чегарасини ўйлайсиз. У эса, кўринмайди, у - дунёда йўққа ўхшайди. Демак, чексиз-чегарасизликда қоласиз. Фарҳод Фармоннинг қўлингиздаги «Қалб нидоси» китобини ўқир экансиз, кўнглингиздан ана шундай туйғулар кечади.

Мисол учун қуйидаги мисраларни ўқиб кўрайлик ва ўйлайлик улар нима ва ким ҳақида, албатта, бу ўринда вақтинча сарлавҳани ўқимай турамыз:

Ҳар кимсага шунчалар буюқдир...  
Ҳар нарасадан шунчалар суюқдир...  
Тирик жонлар борки, талпинаверар унинг бағрига,  
Шунчалар ҳамки, мудом бош эгдирар соғинч қадрига.

Парчадаги сирлилик ва сеҳр туфайли «шунчалар ҳамки», «соғинч қадрига» каби иборалардаги нотабиийлик ҳам китобхонга эриш туюлмади.

Агар шеърга «Ватан» деб ном қўйилмаганда, унинг Ватан тўғрисида ёзилганини бир қарашда билиб бўлмади (Ҳатто «Ватангадо бўлмасам...» ибораси қўлланган эса-да!).

Устозлар бизга севги тўғрисида шеър ёзсанг, «севги» ҳақида гапирма дейишган. Шунингдек, ниманики прозада ёзиш мумкин бўлса, уни шеър билан ёзиш шарт эмас, Фарҳоджоннинг ушбу китобига кирган асарлари устозларнинг ҳар икки талабига жавоб беради. Юқоридаги «Ватан» шеъри эса, бунинг яққол далилидир.

Китобдан ўрин олган бошқа шеърлар тўғрисида ҳам шу каби илиқ фикрларни билдириш мумкин. Бу шоирда юзаки, зўрма-зўраки ёзилган сатрли қораламалар йўқ. Уларга баҳо бериш эса, китобхон дунёқараши ва савиясига боғлиқ.

Бир сўз билан айтганда, «Қалб нидоси»ни янги бир оламни қўлга олгандек олиш ва ундан баҳраманд бўлиш мумкин. Зеро шоир илҳом тўғрисида ёзар экан, шундай дейди:

Мен томон кел оғир, дардли қайғу бўлиб,  
Қалбим куйиб, мен куйлай халқ гамин, армонин.  
Кўнглимга бонг уриб кел, умидли туйғу бўлиб,  
Жоним суйиб, мен бўлай дардмандлар малҳами  
дармонин.

*Муҳаррир*

## **ВАТАН**

Ҳар кимсага шунчалар буюқдир...  
Ҳар нарсадан шунчалар суюқдир...  
Тирик жонлар борки, талпинаверар унинг  
бағрига,  
Шунчалар ҳамки, мудом бош эгдирар,  
соғинч қадрига.

Қалбида бўлиб, уни куйламоқ мушкул:  
Ўзга ерда хўрланиб, ватангадо бўлмасам...  
Оддийлигича кўриб, мадҳ этишим тугул,  
Номини ҳатто тилга ололмайман буткул!



## НЕЧУН...

Бу фоний дунёга,  
Мен нечун келдим?  
Қайси қисмат битикида,  
Ким учун туғилдим?  
Мақсад нима, ахир?  
Мунча кўп жавобсиз тутиндим.  
Энди ким бўлдим...  
Одамлар ичинда.

Қандай умид-ла яралганман,  
Кимлар учун, нега... яшаяпман?  
Тўхталиш қачон, ҳеч ким билмас,  
Нима қилдим-у, нечун азобланяпман?

Нима қилдим ўзим учун,  
Нима бунёд этдим халқ учун, ватан учун,  
Ўйландим, куюндим сабаб ахтариб,  
Охири нималарнидир ёза бошладим,  
қалам тебратиб.

Кўпларни ўқидим, фақат мақтов,  
Айримлари куюнишган, улар ҳам сўнган олов.  
Бас, бўлди, етар...  
Буюк дардни ҳис эта олган қалбим,  
Нечун тутқазмасин экан...  
Қўлимга ҳасрат қаламин!



## ИЛҲОМ

Мен томон кел, оғир дардли қайғу бўлиб,  
Қалбим куйиб, мен куйлай халқ гамин, армонин.  
Кўнглимга бонг уриб кел, умидли туйғу бўлиб,  
Жоним суйиб, мен бўлай дардмандлар малҳами,  
дармонин.

Мен томон кел, энг эзгу бахт бўлиб,  
Одамларга улашай, қадрни унутилмас қувонч.  
Абадий бўлиб кел, армонсиз орзу-тахт бўлиб,  
Ғамгинларга бўлишай, сабри букилмас таянч.

Мен томон кел, умри мангу омад бўлиб,  
Зулматларда чироқ ёқай, мисоли офтобу қуёш.  
Муаммолар томон кел, ибрату ҳикмат бўлиб,  
Барчага умид уйғотай, мисоли китоби йўлдош.

Мен томон кел, дилни покловчи фаришта бўлиб,  
Ҳаммани эзгуликка чорлай, яшасин ҳақиқату адолат.  
Меҳр билан кел, қадрни тикловчи ришта бўлиб,  
Бу дунёдан ёвузликларни йўқотай, ўлсин қабоҳату  
разолат.



## ГОҲИДА УНУТАМИЗ...

Гоҳида эркаланиб,  
Гоҳида йиғлаб, гашингизга тегдим...  
Лек бир оғиз кечиринг деёлмадим.

Юз аразлаб,  
Минг йиғлатдим...  
Лек бир қадам яқинлашолмадим.

Кўчаларда саёқ юриб,  
Кунларимни маъносиз ўтказдим...  
Лек бир оғиз юмушингиз сўролмадим.

Кимлардан таъналар эшитиб...  
Мени болам ёмон демасдан,  
Яхшини кўролмайсизлар дея,  
Йиғлаб чиққанингизда...  
Ёнингизга бориб, таскин беролмадим.

Шунчалар... азоб бериб турган,  
Шунчалар... қийнаб ухлатмаган  
Мен нотавонни, мен ёмонни  
Кечиринг... кечиринглар...!





## **ДАНГАСАЛИК ОҚИБАТИ**

Ҳаёт синовларига дош бериб мардона,  
Одамлардан ноҳақ кўрдим завол.  
Машаққатсиз омадга ишониб кўр-кўрона,  
Хатойимдан мусибат топди камол.

Аламдан қидириб сабабсиз оқибат,  
Шунчалар чексиз бўшлиқларга қилибман хаёл.  
Бир-икки қадам ташлолмай бетоқат,  
Маъносиз чуқурлик, қоронғиликка тушибман беҳол.

Яна йўқликдан қилиб умидим,  
Манфаатлар топдим ўзимча.  
Шу зайлда ўтказиб умрим,  
Охири, қолибман нодонлигимча.



## ХАТО ҚИЛДИМ

Нималарнидир хаёл қилиб,  
Сурдим манфаатлар гаштини.  
Кимларнингдир ваъдасига қоқилиб,  
Қилдим бировлар хизматини.

Қандайдир сабабларин қилиб рўқач,  
Қочмоқ бошладилар ваъдалариндан.  
Мен нотавон уларга ишониб ўтиргач,  
Яна айтдилар тўқима ёлғонлариндан.

Ногаҳон қаердандир қулоғимга,  
Эшитилди «Адашдинг» — деган нидо.  
Виждон тиғи санчилиб, қалбимга,  
Айтарди: Қилганинг катта хато.

Қалбим ўртаниб йиғлади беун,  
Охири тилга кириб, сўради сабабин.  
Ҳеч бир жавоб сўзлари тилга келмай,  
Ўзимни айбдор билиб, бўлдим тутқун.

Ва хаёллар бериб далда,  
Оҳ-войингни бас қил, дерлар.  
Ҳаракатингни қилмасанг канда,  
Талашиб оларсан «ҳақинг»ни, дерлар.

Яна хаёлга берилиб узоқ,  
Қасос истагини пайдо қилибман.  
Энди қўймоқчи бўлганимда тузоқ,  
Ўзни тутиб берибман.

Қандай билишганин сўрашга улгурмай,  
Дарҳол сотишганларин айтишди.  
Шундай тухматни айтишга улгурмай,  
Темир панжарали қафасга солишди.

Дард-ла юзландим, сирдош қалбимга,  
У бўлса жим...  
Далда бермасди менга.  
Ёлғизликда баҳо берсам ўзимга,  
Улар учун эканман ҳеч ким...  
Зах деворлар гувоҳ сўзимга.

## **КЕЧАНИ ЎЙЛАБ АФСУСЛАНМАЙМАН**

Йўқ, кечани ўйлаб афсусланмайман, дейман-у,  
Бу куним ўтар чоғида  
Нимадир юз бериб, хаёлинг олдириб,  
Нега? Нечун? – деган саволлар доғида,  
Ўзни айбдор ҳис қилдириб,  
Алам қилдираркан.

Йўқ, кечани ўйлаб афсусланмайман, дейман-у,  
Яна кимдир сенга уни эслатар.  
Гар суҳбатни бошқасига бурсанг,  
Яна ўша савол такрор қайтар.  
Табассум ила жавоб ҳам қилсанг,  
Барибир, қалбингда афсусланиш, куюниш бўларкан.

Йўқ, кечани ўйлаб афсусланмайман дейман-у,  
Бугуним кечага боғлиқлигини сезаман.  
Бугуннинг эртасини ўйлаб, суюнаман дейман-у,  
Яна «кеча» такрорланишидан кўрқаман.

Йўқ, кечани ўйлаб афсусланмайман!



## ЙИҒЛАМАНГЛАР

Бу дунёнинг синовлари кўп,  
Жуда кўп...  
Ҳеч бири қолмай келишар, бирин-кетин,  
Аста-секин, жуда тез...  
Биридан қутулишга улгурмай узоқ,  
Турарлар қисқа навбатда, қўйиб тузоқ.  
Улар бирлашиб, қийнашганда хўп,  
Ҳеч йиғламанглар, йиғламанглар кўп.

Кўп изламанг улар келиш йўлин,  
Барибир, илғамайсиз ҳеч бирин.  
Келарлар гоҳ осмондан, гоҳ ердан,  
Ўраб келарлар, тўсиб ётарлар  
Тўрт томонингиздан.  
Қадам кўймоққа йўл тополмай...  
Азобланганда ҳам,  
Ҳеч йиғламанглар, йиғламанглар...  
Бошингизни қилиб ҳам.

Ҳар томондан келганин мағлуб этиб,  
Олға сурдингиз қийин, азоб демай.  
Шунда ҳам чекинмаслар, бир йўлин топиб,  
Яқиндан излар, энди узоқларга бормай.  
Дилбандларингизга йўлиқиб аста...  
Шундай беради азоблар,  
Қалбларингиз бўлиб хаста...  
Ширин жонингизни қийнар.  
Шунда ҳам ҳеч йиғламанглар,  
Қалбни эзиб, тигламанглар.



## СИЗНИ ҚУТҚАРГАН ЖИГАРБАНДЛАР ДУОСИ

Сокин денгиз аро кема сузиб бормоқда,  
Жигарбандлар узоқда, кўзларида ёш.  
Ҳануз қўлларин силтаб қузатмоқда,  
Айрилиққа беролмай бардош.

Қуёш нурида товланаётган сув заррачаларин кўриб,  
Кема бортида турардилар хурсанд.  
Денгиз эса...  
Ўзига боққан бахтли кўзларни кўриб,  
Мавжланиб, тўлқинланарди сарбаланд.

Чиройли қанотларин қоқиб,  
Кема узра қушлар учиб борарди.  
Балиқлар эса...  
Ўзиб кетишга интилиб,  
Тезроқ сузиб борарди.

Кўнгилларни хушнуд этиб,  
Денгиз аро эсарди... майин шабада.  
Шамол борлигин кўрсатиб,  
Елканлар ҳилпираб борарди тепада.

Ҳамма денгизга мафтун,  
Ҳатто билмасдилар кунми ё тун.  
Шамол эсарди ҳамон,  
Кема эса...  
Борарди, борарди равон.

Бирдан қуёш юзини қоплаб қора булут,  
Денгизнинг олтин заррачаларин йўқотди.

Мароқ билан томоша қилаётганлар  
Жаҳл қилиб, осмонга лаънатларин отди.

Осмонин хафа кўрган табиат,  
Дилдан берарди таскин.  
Одамлардан...  
Ноҳақ эшитганига ҳақорат  
Ловиллаб ёндирарди аламин.

Кўнгли тўлиб осмонни,  
Берди кўз ёшини  
Ўшал қора булутларга.  
Табиат бериб огоҳ,  
Шамолни қўзғатди.  
Улардан бири ногоҳ  
Яна лаънатлар айтди.

Йўналишни ўзгартириб,  
Елканлар ҳилпирарди, энди даҳшатда.  
Бизни ўлдирар деб, кемани чўктириб,  
Ҳамма эди; қўрқувда, ғафлатда.

Денгиз устин қопларди,  
Кўнгли тўла қора булутлар.  
Чақмоқларин чақарди, овозин қақшатиб,  
Ланатланганин эслаб,  
Дилпора булутлар...  
Ҳасратларин ёғдирдилар, ичин бўшатиб.

Узоқлардан...  
Чақмоқ овозин эшитган жигарбандлар  
Осмонга юзланиб, бемажол...  
Қилдилар неча-неча дуолар,  
Чақмоқ тинди, лек тўхтамасди шамол.

Йиғлаб ёлвордилар, эзиб дилни.  
Ҳасрат қоплаб шамолни,  
Охири чекинтирди шундай довулни.

Қора булутлар ўзни буркаб оқ рангга,  
Қуёшнинг заррин нурларин кўрсатди борлиққа.  
Яна ўшал кема сузиб борарди сокин денгизда,  
Ўтли баданларга яна эсарди ўшал майин шабада.

Табиат инъом этиб забон,  
Балиқларни юборди кема томон.  
Барилари жўр овозда айтдилар:  
Эй, дилбандлар ошноси,  
Сизни қутқарган – жигарбандлар дуоси!





**ЯҚИНЛАРИМНИ ҚИЙНАМА**  
(касаллик)

Дунёда ҳеч ким қолмаса биздан бўлак,,  
Шунда ҳам яқинларимни қийнама.  
Гар айтмоқ истасанг охирги тилак,  
Шунда ҳам яқинларимни сўрама,

Шунча етар, бас қийнаганинг,  
Энди фақат мени танла.  
Етар, бас яқинларимга солганинг,  
Энди ўз дардим билан кўзларим намла.

Қийналаётган аллакимлар-у,  
Негадир, қалбдан мен йиғлайман.  
Негадир оғриқсиз азобланаман-у,  
Сабабини ўзим билмайман.

Агарда қийнашда этсанг давом,  
Улар ўрнига...  
Сўлиб кетарман батамом.

Ногаҳон озор бера бошласанг яна,  
Руҳим тинчимай, қайтаман тирилиб.  
Илтимос, яқинларимни умрбод қийнама,  
Бошларин эгмай, юрсинлар керилиб.

## ХАСТАЛИККА МУРОЖААТ

Дунё кезиб, кўпни қилдинг хаста,  
Майлийти ёвузларни қилганингда.  
Охири келиб аста...  
ТоғажонЛАРимга ёпишдинг-да.

Далдалар қилмай кор,  
Узоққамас, бегонага бормай.  
Меҳр-муҳаббатни қилиб хор,  
Онажонимни азобладинг, ҳатто сездирмай.

Ҳаёт давом этар, ҳаётлар-ку,  
Дийдор ўткир, меҳр-муҳаббат-ла  
Ҳаммаси яхши бўлади, дея алдаб, тонг-ла  
Қийнаб, охир амакижонимни олиб кетдинг-ку.

Саволлар жавобсиз... жим қолар,  
Саволсиз жавоблар... тим бўлар.  
Илтимос-ла, буюраман: тинч қўйгин,  
Ёвузликлар ортидан қувиб, яқинларимни унутгин!

Илтимос, яқинлашма тоғажонЛАРим томон,  
Ёлвораман тарк этгин онажонимни.  
Наҳотки адашдинг, ахир, мен – ёмон,  
Гар сабабкор мен бўлсам...  
Жигарбандларим кечиринглар мен ёмонни!



*(Ушбу юқоридаги шеър ёзилганига бир ой бўлар-бўлмас, энг суюкли тоғажоним бу дунёни бемаҳал тарк этдилар. Мен ўша пайтларда марсия ёзаман деб ёзолмагандим, қирқ кун ўтгандан сўнг ушбу сатрлар кўнглимга дард солиб, қаламни қўлимга тутқазди).*

## **«РОЗИҚ» ТОҒАЖОНИМГА** *(марсия)*

Бир зумгина... сукунат сақланглар,  
Мен-қалби яримнинг дардини тингланглар.  
Барвақт олиб кетди ажал дардмангани,  
У дунёларга жони етди тоғажонимнинг.  
Э-э-э вооҳ... ўтга ташлаб кетдилар...  
Тоғажоним-эй, тоғажоним...!

Ҳаётда бахтлиман деб тик турмай, жон тоғам  
Қолгандилар дард билан қалби бўлим, вой тоғам.  
Ёшгина фарзандининг тўйини ҳам кўрмай, жон тоғам  
Топдилар армон билан вақтли ўлим, вой тоғам.  
Дили хастам...  
Тоғажоним-эй... тоғажоним...!

Хаста ҳолингиз билан ҳам қилиб ёрдам, жон тоғам,  
Ҳаммага бўлдингиз бирдай меҳрибону азиз, вой тоғам.  
Онир мусибат бошимизга тушганида ҳар дам, жон тоғам,  
Далдаларингиз ярамизга бўларди малҳами лазиз,  
вой тоғам.

Меҳрибоним эдилар...  
Тоғажоним-эй... тоғажоним..!

Ёмонлар кўп, ёвузлар кўп роса, жон тоғам,  
Нега ўлиб кетди, тоғам бечора, вой тоғам.

Даволари кўп, шифолари кўп бўлса, жон тоғам,  
Нечун дардингизга топилмади чора, вой тоғам.  
Йиллаб азоб чекдилар...  
Тоғажоним-эй... тоғажоним...!

Бу ҳаётда яшаб бўлмадингиз хурсанд, жон тоғам,  
Кун-бакун соғлигингиз сўлиб кетарди, вой тоғам.  
Майлида, бўлсангиз ҳам касалманд, жон тоғам,  
Тақдирингиз, яна умр берса нетарди, вой тоғам.  
Ҳали ёш эдилар...  
Тоғажоним-эй... тоғажоним...!

Бир зумгина... сукунат сақланглар,  
Мен-қалби яримнинг, дардини тингланглар.  
Э-э-э вооҳ... бевақт ўлим топдилар...  
Тоғажоним-эй... тоғажоним...!

**Ақлим дейди:**

Мунча кўп ўксинма,  
Дунё фонийлигин англа.  
Худо амрин қабул эт,  
Зорланиб йиғлашларни ўзингдан даф эт.

**Қалбим дейди:**

Қандай қабул қилай эрта,  
Тоғажонимни, қандай топширай тупроққа.  
Э-э-ҳ, тоғажоним, қадрдоним,  
Нечун ташлаб кетдингиз йироққа!?



## **УЙҚУСИЗЛИК САБАБИ**

Юлдузларни санаш билан мен овора,  
Кўзга уйқу келтирмай тонг оттирмақдаман.  
Юракларни қийнаётган дард билан мен дилпора,  
Қалб ҳасратлари ила шеър битмоқдаман.  
Шеърим тингланг, эй дарддошлар, бир бора,  
Унда азобланаётган кўнгилларни куйламоқдаман.  
Балким мени касалманд айтарсизлар гап ора,  
Лек рости ҳам касалмандлардан эзилмоқдаман.  
Яқинларимни қийнаса агар хасталиклар тобора,  
Билингларки, мен ҳам ҳаётдан сўниб бормоқдаман.

## **КАСАЛЛИКЛАРГА**

Илтимос, узоқларга кетгин,  
Абадий хотирасиз бўлиб.  
Ёлвораман тарк этгин,  
Мангу қайтмас бўлиб.

Сени қарғайдилар-ку,  
Кўринмасингдан аввал.  
Кетингдан тош отадилар-ку,  
Сен ёмондан ажралган маҳал.

Сен ёмонни душманимдан яхшилаб,  
Чиндан. Илтимос-ла кузатмоқдаман.  
Яхшилардан ёмонларга ўтгин ҳатлаб,  
Ахир, ёвуз дўстларингга йўлатмоқдаман.

## ЎЛАЁТГАН БЕМОР

(Билиб-билмасликка олмоқ қийин экан)

Оғир хасталигин...  
билдилар,  
Далдалар бериб...  
юпатдилар ҳаддан зиёд.  
Оқибатин билиб...  
ачиниб айтдилар:  
Оҳ, бунчалар қийнамаса...  
шафқатсиз ҳаёт.

Беҳабар дардманд ўйлар ҳайрон  
«Нечун, ҳамма менга ғамхўр» — дея.  
Бемор ҳолсизланиб борарди гирён,  
Нега ортимдан кўплар йиғлайди, дея.

Кўплар кўз ёшсиз...  
қараб йиғлардилар,  
Бошлари эгик, унсиз...  
ачиниб йиғлардилар.

Бироз... бирозгина фурсат ўтмай,  
Ҳеч кимдан сўрамай,  
Яқинлашиб келарди ажалгина.  
Охири... бечора беморни...  
Хасталикдан қутқарди, фақат, ўлимгина.



## ОДАМ АЖРАТМА

Тун, кун бирлашиб, бир кун бўлар,  
Сен, менга ажратиб...  
Одамлар, ахир, ким бўлар?

Бир-бирларига ҳасадқарашлар...  
Наҳот, қолмади, меҳр-муҳаббат?  
Бир-бирларин сотишлар...  
Нечун йўқолди шундайин оқибат?

Қалбларни босса ўтли ҳижрон,  
Қондошларни ҳатто жудо қилар.  
Гар кўзларни қопласа аламли қон,  
Билинг, ҳаммани ўзига шайтон қилар.

Шундай экан:  
Бас, бўлди, етар шайтонлашлар.  
Кимлар учун яшайсиз, айтинг-чи, менга,  
Эй, замондошлар!



## БОРИЧА ҚАДРЛАНГ

Ажойиб кунда туғилдинг йиғлаб,  
Йиғлардинг маъносиз қўлингни муштлаб.  
Лабинг тутиб жим ўтирардинг, аммо  
Нималигин билмай, кутиб йиғлардинг.  
Нимагадир муҳтожлигинг англаб...  
Яна қаерларгадир борардинг, борардинг эмаклаб.

Йил ўтиб, юра бошладинг секин,  
Тилга кириб, сўрадинг бирин-кетин.  
Мингдан бири қолса ҳам йиғлардинг, аммо  
Бирини минг киши берса ҳам, жим олардинг.  
Берганнинг юзига кулиб, илжайиб боқиб, гўё...  
Ҳеч бирини унутмай, улар томон талпинардинг.

Вақт ўтиб, тез югура бошладинг,  
Кўча-кўйда кир бўлиб, ўйнадинг, кулдинг.  
Уйга қайтиб, қорин тўйдирдинг, ётдинг, аммо  
Кимлигингни англолмай юрдинг дайдинамо.  
Кимлигингни билолмай юрардинг нодон,  
Шунда ҳам қучоқларга отилиб, бўлардинг шодон.

Болалик ўтиб, танидинг оқу қорани,  
Гапларидан бешиб, менсимадинг ҳатто ота-онангни.  
Охири кўниб, хўп-хўп дединг, аммо  
Адашиб ҳам, чин дилдан бажармадинг ҳеч бирини.  
Шунда ҳам севдинг, ўзингни мақтадинг,  
Худдики юз йил кўргандай ҳаётни...

Ёшлик ўтиб, тушунмадинг хатоларингни,  
Ўзингча яхши-ёмонга ажратдинг одамларни.



Кимларнинг ери бўлиб юксалдинг, аммо  
Эртами-кеч тарк этишин сезмадинг, сохта  
омаду бахтларни.  
Яна севавердинг қоп-қора ёвузларни,  
Бироқ худди улардек ўлдирмоқ истардинг ўзларини.

Ғаройиб кунда ўлардинг, йиғлаб,  
Йиғлардинг, ҳолсиз бармоқларинг чамалаб.  
Оғиз очолмай, жим ётардинг, аммо  
Кимдан кечирим сўрашни билмай,  
кутиб йиғлардинг.

Ниманидир тез келишини англаб,  
Қаерларгадир боргинг келарди ҳатто эмаклаб.  
Кимларнидир соғинчли ўпгинг келарди,  
қаттиқ кучоқлаб...





Кўчанинг тор йўлидан ўтарлар,  
Давранинг энг кўринмас жойидан ўрин оларлар.  
Дўстларин туғул, яқинлари олдида, ҳатто  
Бошларин эгиб юрарлар,  
Уйида чақалоқ йиғисин эшитмаганлар.

Минг эшикни қоқиб, қидирдилар нажот  
Тинмай югурдилар умид орқасидан  
Аммо, илож қолдирмаганга ўхшарди...  
Бу синовли ҳаёт.

Гоҳида аразладилар айб қидириб,  
Умидни уздилар ҳатто ҳаётдан тўйиб.  
Гоҳида ажрашмоқ истадилар,  
Ўзларин айбдор топиб.  
Ўтли севгиларини унутдилар ҳатто...  
Фам-аламдан безиб.

Оҳ, мунчалар ёмон бўлмаса  
Фарзандсизлик доғи!  
Одам бўлиб билмаскан ҳатто...  
Бу дунёда бор-йўғин.

Ёз палласи, табиат мева берар чоғи  
Ҳасад қилардилар ҳатто ўсимликларга.  
Бу буюк дард қолдирмас экан одам соғи,  
Ҳайҳот, айтдилар:  
Нима қилдик яшаб бу дунёларда.

Таскин берди одамлар,  
Дардига малҳам бўлди жигарбандлар,  
Балким шундан сабрлари етгандир...  
Йиғлаб-йиғлаб ўтказган йилларга.

Балким, вафога оташ қалблар сабабдир,  
Умид-ла кутдилар нақ ўн беш йил.

Фарзанд тиладилар худодан,  
Озор бермай ҳатто чумолига.  
Ахийри, қўш берди жаннатидан,  
Синалган бандасига!

Яна бир ўғил, бир қиз,  
Оҳ, нақадар буюк бахт!  
Қувончдан, севинчдан йиғлардилар унсиз,  
Энди керак эмасди уларга...  
Мол-дунё-ю, тожу тахт.



## **АЖРАЛМОҚ НЕЧУН?**

Мен ёлғиз қолишни истайман,  
Борсанг, боравер...  
Сени кўришни хоҳламайман,  
Кетсанг, кетавер...  
Дея ажралмоқ нечун?  
Барибир яккаланасан-ку бир кун,  
Яна ёлғизликни истамоқ нечун?..

Гоҳида қийнаса камчилик,  
Мағлуб этинг, сабр-қаноат билан.  
Гоҳида азобласа тушунмовчилик,  
Англаб, ҳис этинг меҳр-муҳаббат билан.

Қаранг, ечимлари бисёр,  
Қийналдим деб, урушмоқ нечун?  
Ўзингизни қилиб хор,  
Азобландим деб, ажрашмоқ нечун?

У нодонга йўқ тушунча;  
Маслаҳатлар қилмади кор.  
Яқинлари назар солгунча,  
Ажралди... ўзи бўлиб айбдор.

Тўхтамай давом этарди... ҳаёт,  
У эса нолирди...қилиб фарёд.

Э худо, деб юзланди осмонга,  
Оллоҳ жавоб қилди, бандаи нодонга:  
Ўзингизникидан олмай таълим,  
Бахтингни буздинг беаёв.

Энди табиатни қилиб муаллим,  
Сенга юбордим бир синов.

Ҳаёт давом этарди қизгин... маъносиз,  
У эса, юрарди – умидсиз, мақсадсиз.  
Кун оралаб юрди,  
Тун мўралаб юрди.  
Негадир, ўзгарди нималардир...

Қуёш нурларин сочмас,  
Осмон юлдузларин кўрсатмас,  
Негадир ўзгарди, қуёш, осмон.

Қор, ёмғир ёғса ҳам  
Унинг бошига тушмас,  
Ой ёруғи тушса ҳам  
Унинг сояси кўринмас.  
Яна нималардир ўзгарди, негадир...

Кун, ой ўтиб, охир  
Осмонга юзланди яна.  
Кечир худойим деганда,  
Қуёш нурларин сочди яна.  
Бироз югурганда иллиқлик,  
Фурурига бермай розилик.  
Қайтолмайман деди: улар олдига,  
Негадир ўзгарди, нималардир... яна!

Якка юрди... ёлғиз қолди...

«Ёлғиз-одам» ўтган йўллардан,  
Юришни хоҳламасди ҳеч ким.  
«Ёлғиз-одам» юрган ерлардан,  
Ўсимлик кўкармасди, ҳатто, бир ўсим.

Танҳоликда ҳолдан тойиб,  
Охири афсусланди, куйиб.  
Шамоллар орқали Табиат —  
Етказди шундай сўзларни:  
Бирликни қилсанг ният —  
Қайтараман ҳамма дўстларни.

Бир кун қудуқ ёнига борди чанқаб,  
Сувга тўлиб-тошарди — у.  
«Ёлғиз-одам» ичишин пайқаб,  
Пасайиб кетарди — у.

Сувсиз ўлишин билиб,  
Қудуққа ташламоқ истади ўзин.  
Ҳаммасидан хабардор ер,  
Сувни шимиб ташлади.

Ерни қарғади. Тортди замин.  
Кириб борарди... у нотавон,  
Тупроққа тенг келганда бўйи,  
Икки қўлин чўзди безабон.  
Кечиримлар ўтганда дилидан,  
У ташлаб кетган...  
Ўша ёлғизланган...  
Келиб олди қўлидан.

Майли, худойим, мени жазола,  
Бу — ёлғизгинам ўрнига...  
Лек ёримни қутқариб, авайла —  
деб бақирди, «ёлғизгинам» ўрнига.

Чиқарди ер ўз қаъридан,  
Куёш нур сочарди, раҳмидан.  
Шамол эсарди...

Ҳиссиётларни жиловлаб  
Қалблар меҳрга ташна эди...  
Талпинарди ловиллаб.  
Иккови бир-бирин кечириб,  
Йиглаб қучоқлардилар...  
Қалбларни соғинчга тўлдириб,  
Меҳр-ла боқиб... ўпишардилар...!

### ҚУЛЛАР НОЛАСИ

Бир замон ўтган қадимда,  
Одамлари кўр бўлган, чамамда.  
Ўзларига ўхшашликни кўролмай,  
Бечора инсонларни ҳайвон атаган заминда.

Кун бўйи ишлатган қамчилаб,  
Хатто ювиндисини миннат-ла...  
Узатган мақтаб.  
Чидаган, сабр қилган, аммо  
Қул дея чақиршига чидолмаган.

Озгина тенглик истаганни-  
Олдилар, солдилар.  
Жонини қийнаб,  
Майиб-мажруҳ қилдилар.  
Чидаган, сабр қилган, аммо  
Камситилганига чидолмаган.

Буюм сингари қилдилар савдо,  
Сўроқ қилдилар, жаллод мисоли.  
У ёқ-бу ёғин қараб, камчилик қидирдилар ҳатто,  
Чидаган, сабр қилган, аммо  
«Одам»лар оралаб, занжир судраб борганига  
чидолмаган.



Гўдаклигида...

Ота-онасидан жудо қилдилар.

Кўз ўнгида...

Боласини отдилар, хотинини сотдилар.

Ҳеч бирига чидолмаган, сабр қилолмаган, аммо

Оёқ-қўлига кишан солганларига туролмаган.

Ҳар замоннинг буюк шоиру ёзувчилари бўлар,

Улар чорлаган йўлдан халқлар бирлашиб борар.

Буюк файласуфлар олдида шоҳлар эгиларди ҳатто,

Уларни мақтаган, куйлаган, аммо

Озодликни куйламай, қурашмаганларига чидолмаган.

Ҳар замоннинг асорати қолар ўзгача,

Бугуннинг ҳам одамфурушлари ўзгача.

Улар билишмайди... одамлигини ўлгунча,

Тавбалар қилишса, кечирилсалар, аммо

У дунёда кечирилмаган, жаннат эшиги очилмаган.

Яна ёниб яшайдилар...!



## УЗОҚДАГИ ДАРД

Узоқларда бўлиб банд,  
Кўпдан бери, қадрлиларни кўрмадим.  
Гоҳида бўлиб касалманд,  
Бир оғиз ширин сўз эшитолмадим.  
Кечир мени, кўзларим...  
Қадрим, мени кечир..!

Юракларда бўлса ҳам дард,  
Болалигимни қумсаб...  
Қувонтираман ўзимни.  
Бегона жойларда... топмасам ҳамдард,  
Беғубор онларимни эслаб...  
Соғинаман қишлоғимни.  
Кечир мени, болалигим...  
Қишлоғим, мени кечир..!

Фарзандлик бурчим, чоғи,  
Бўлолмадим йўлингиз шамчироғи.  
Кетиб узоқ-узоқларга...  
Қадрингизга етдим, бегона жойларда,  
Кечиринг мени, отажоним...  
Онажоним, мени кечиринг..!

Ёнларингизда бўлиб суянчиқ,  
Акалик, укалик қилолмадим.  
Бегоналарга «ука» бўлиб аччиқ,  
Кўп марталик хизмат қилдим, ололмадим.  
Кечиринглар мени, акажоним, укажоним...  
Опажоним, сингилжоним, мени кечиринглар..!

Кимлар қолиб кетмаган у томонда,  
Юракларни қолдириб азобда.  
Кимлар эзилмаган бу ҳижронда,  
Ёш ёримни мен ҳам ташлаб кетдим азонда.  
Кечир мени, севгилим...  
Оилам, мени кечир..!

Чақалоғимни ўпиб, шодон,  
Гул беролмадим аёлимга.  
Бошини силаб, бахти сарсон,  
Меҳр беролмадим фарзандимга.  
Мени кечир, жоним...  
Ҳали кўрмаган болажоним, мени кечир..!

Бир фикр айтолмай,  
Тилим чарчади, бегона сўзларни айтиб.  
Атрофга боқиб, таниш кўролмай,  
Оёғим чарчади, бегона жойларни кезиб.  
Кечир мени, она тилим,  
Ватаним, мени кечир..!



## **ТИЛ ҚАДРИ...**

*(Она тилида гаплашмайдиганларга)*

Бир кун она тилим фариштаси,  
Дарди билан қилди сўроқ.  
Буюк дил забоним риштаси,  
Бизлардан кетаётган эмиш йироқ.

*Она тилим фариштаси:*

Кўпларнинг нутқида бўламан намоён,  
Қоришган бошқа сўзлар билан.  
Шул сабаб мен дили гирён,  
Олдинда турибман қора сўзлар билан.

Она тилида гаплашмайди бировлар,  
Айт, нега? Истамас забонинг.  
Сени қийнамайдими шундай сўровлар?  
Айт, нега? Эзилмас виждонинг.

Гар шундай давом этса, ишон,  
Куюниб эзиламан ҳар кун, ҳар оқшом.  
Охир-оқибат ўлимим яқинлашган он,  
Ёрдам беролмас ҳеч бир ўзга ун, ўзга калом.

\* \* \*

Агар дунёда биргина тил қолса,  
Уни сақлаб қолган мен бўламан.  
Агар, қасдда забоним кесилса,  
Она тилим тириклигида мен ўламан.

Шунга ҳам айтай олдин,  
Ким билади, эрта-индин,

Тилимдан барбод бўлсам,  
Дилимда қолмасин гап ҳам.

Она тилим фариштасига ваъдам,  
Агар у дунёга қўйсам мангу қадам.  
Соқовларга қаздириб лаҳадим,  
Қилинглар бу абадий васиятим.

Қабрим устида, оғир тош кўксида,  
Ёзинглар шу сўзларим ниҳоясида:  
«Тилсиз бўлиб туғилди...  
Тили билан ўлди...!»



## ТОҒЛАР ЧЎКМОҚДА

(Нотўғри ақллиларга)

Баланд тоғлар, баланд тоғлар  
чўкмоқда...

Кўм-қўк осмонни, мусаффо осмонни,  
Қора булутлар, қоп-қора булутлар  
қопламоқда...

Одамларга бўлган умид, ишонч,  
сўнмоқда... йўқолмоқда...

Одамларда меҳр, одамларда қадр  
тортилмоқда... топталмоқда...

Тушунмовчилик, камчилик ортмоқда,  
кўпаймоқда...

Нотўғри ақллиларга омад келиб,  
Худога шак келтирмоқда...

Табиат бузилмоқда, ҳаёт тугамоқда...  
Одамлар онгидан узилиб,  
Лут пайғамбар тирилмоқда.

Одамлар кўр:  
Худо йўлин топмай,  
Оллоҳ сўзларин ўқимай,  
Юрарлар зўр.

Одамлар кар:  
Донишманд ўгитин,  
Аҳмоқ ишин эшитмай,  
Бир-бирларига кўз тикар.

Одамлар соқов:  
Бир-бирин тушунмай,  
Аҳмоқларга уқтирмай,  
Бўларлар анқов.

Баланд тоғлар, баланд тоғлар  
чўкмоқда...  
Қўм-қўк осмонни, мусаффо осмонни  
Қора булутлар, қоп-қора булутлар  
қопламоқда...

### **ҚАРҒИШ ЖАВОБИ**

Кун саҳарлаб қуёш чиқса завқланиб,  
Баланд тоғ қаршисида турарди оломон.  
Мени кузатмоқдалар дея, севинч-ла товланиб,  
Қалб меҳридан нур сочарди беармон.

Нодонлар билмаган маломат гуноҳин,  
Қуёшга жаҳл қилиб, айтдилар лаънат.  
Қўзи кўрарлар билмаган зулмат азобин,  
Норозиёна қараб, нуридан қилдилар нафрат.

Табиат ҳам чидолмасди, жим...  
Фурсат ўтмай қизарди офтоб.  
Ўтли ёғдусидан қаролмасди ҳеч ким,  
Чиқишин етмай – куйдирмоқда дедилар шу тоб.

Олисдаги қуёш ўйга толарди узоқ,  
Буюк тарихин титкилаб, ҳеч топмасди манзил.  
Кечагача кутиб олганлар экан қувноқ,  
Бугун эса, фақат бугун...  
Қараганларнинг кўзлари экан ғамнок.

Азонда одамлар соя қидирганларига ҳайрон,  
Нега бирдан ўзгарди қуёш дея...  
Иссиғи майли-да, юраклари эди гирён,  
Тоғдан тезроқ ўтса бўларми дея...

Узоқ фикрлаб қилдилар, баҳс-мунозара,  
Охири бўлиниб, йўл олдилар мақсад сари.  
Тоғлар бўй чўзган, қулоч ёзган, осмону ер узра,  
Кўнгли бузуқларни кутаётган эди,  
иссиқликдан баттари.

Мана, ярим йўлга етди, одамлар...  
Қуёш амри билан эриб кетди музлаган қорлар.  
Сув оқими харсангларни юмалатди,  
бўлди дод-войлар,  
Энди фойдаси йўқ эди... тавбалар, ўлиб кетди...  
кўнгли бузуқлар.





## **УНУТМАЙ ЭСЛАНГЛАР**

Гоҳида унутмоқ истадим,  
Истадим эсламасликни...

Бир кун айрилиб хотирамдан,  
Кўзга ёш олиб, сабаб изладим.  
Ўзни таниёлмай, озиб ақлимдан...  
Ҳеч кимни эслолмадим, танимадим.

Ўзимга бегона бўлдим шундан буён,  
Исмимни ҳатто унутибман, рост.  
Атрофга қарайман овораи сарсон,  
Кўплар шодон мендан бўлганига халос.

Югурдим тўхтамай, югурдим... эссиз,  
Кулганлардан қочдим, яшириндим.  
Юрдим қувонмай, юрдим...эссиз,  
Ҳолимга йиғлаётганларни топмадим.

Бир пайт олдимга келиб икки киши,  
Болажоним дея, йиғлардилар нолон.  
Мен – умидсизга ўтли меҳр тафти,  
Қалбим хотирасин қайтарди шу он.

Билсам, азиз ота-онам экан  
Юрак-бағри эзилиб йиғлаган.  
Буюк меҳр-муҳаббат экан  
Эс-ҳушимни тўлалигича қайтарган.

Шундан буён:  
Доимо эсламоқ истадим,  
Истадим унутмасликни...

## ҒИЙБАТ

Ҳар бир гапни қилсалар ғийбат,  
Ҳатто майдаси ҳам қилар қиёмат.  
Йўқ, ёлғондир деб тиришсанг ҳам,  
Эътибор қилмай, давом этарлар ўшал суҳбат.

Бир киши қилмоқ истади таҳлил,  
Бир-бирига ўхшамай чиқди хилма-хил.  
Сабаб қидириб, сўров ўтказди бемаҳал,  
Охири англабди барчаси бўлишин бесамар.

Ўзларин билмасму айбдор,  
Бир кун ёнишин жазо ўтида?  
Ўзларин билмасму гуноҳкор,  
Бир кун қолишини халқ нафратида?  
Билсалар ҳам дейдилар:  
Ахир, бу оддийгина ғийбат-да!



\* \* \*

Узоқ тикилиб суратларга,  
Эҳтиёж сезардим негадир.  
Юракни бериб олисларга,  
Қалбим ўртанарди, негадир.

Жон бериб англамоқ истадим,  
Жунбишга келди ҳиссиётлар.  
Қалбни эзиб кўрмоқ истадим,  
Аччиқ дардларим бўлди кўзёшлар.

Ўксиниб, ўртаниб йиғлардим,  
Ширин хотираларни эслаб.  
Гоҳида у дунёларга хаёл кетардим,  
Яқинларимни қўмсаб..!

Ҳеч ким айрилмасин вақтли...  
Борида бўлсинлар экан қадрли!..



## ЯҚИНЛИК СОҒИНЧИ

Тун ярмида осмонга тикилиб,  
Узоқлардан хаёл сурибман.  
Ой ёруғида эҳтиросларга берилиб,  
Юлдузлардан суратларин чизибман.

Кўнглим гаш, негадир,  
Ойга қарасам.  
Кўз ёшларим оқарди,  
Соғинчимни эсласам.  
Юлдузларга қараб  
Дилдан йиғлардим.  
Гоҳида жим ўтириб, гоҳида дод солиб...

Илтижо қилардим, ночор бўлиб,  
Ёлвориб сўрардим, бечораҳол бўлиб,  
Лек яна ўзни тўхтатолмай, дилдан йиғлардим.  
Гоҳида жим ўтириб, гоҳида дод солиб ...

Осмон фарёдимга беролмай бардош,  
Ойга қайтарди кўз қорачиғимни.  
Худди мени тутгандай яқин сирдош,  
Қидириб овуларди соғинчимни.

Бўзрайиб тўкилган кўз ёшларимнинг,  
Аччиқ томчилари товланарди.  
Хира нур сочаётган ойдан  
Кўзларим соғинчини изларди.

Жигарбандларимни топишга ошиқиб,  
Дийдорим осмонларда кезарди.

Мен зулматда ўтиргандай эзилиб,  
Юлдузлар қалбидан нур сочарди.

Дилбандларидан бўлиб огоҳ,  
Қалб кўзи кўрди ногоҳ.  
Бурканиб эҳтиросларга таскин топди, э воҳ...  
Энди топдим мен – ўшал манзилгоҳ.

Ажабо, кўз ўнгимда турарди улар,  
Наҳот, тушмас рўё булар.  
Узоқ тикилиб ўтирардим, аммо  
Яқинлашиб қучоқлагим келарди дарвешнамо.

Меҳр билан эркалаб...  
Жуда соғиндим, дегим келди.  
Аммо...

Қучоқлайман

отам, онам йўқ!

Қучоқлайман

акам, укам йўқ!

Қучоқлайман

опам, синглим йўқ!

Атрофга қарайман десам, кўз нурым йўқ!

Менимча, бу дунёда руҳим йўқ..!

### ...ГА

Чуқур ўйлама берилиб,  
Ҳақиқатни кўролмайсан.  
Саёз сўйлама керилиб,  
Одам бўлолмайсан.  
Шайтонланасан!!!

## УНУТИЛГАНДА ҲАҚИҚАТ

Бир кун гап бошлади ҳақиқат,  
Барча унга юзланганда, очилди тариқат.  
Шунда бир сония ўртадан чиқиб ёлғон,  
Бир сўз билан ишонтириб, солди галаён.

Ҳақиқат ўзни тутиб ҳайрон,  
Юрак-бағри эзилиб бўлдику вайрон.  
Бир кун келиб, фош бўлса ёлғон,  
Адашганлар йиғлайдилар нолон.

Яна тилга кирганда ҳақиқат,  
Ортга чекинди у иллат.  
Ҳамманинг кўнгли топганда роҳат,  
Кўролмай чиқди энди қабоҳат.

Қайтиб жонланди ишончсизлик,  
Унутдилар адолатни...  
Қайтиб бошланди ёмонлик,  
Бошладилар ёвузликни...

Охир-оқибат... булар  
Билиб йиғларлар...  
Билмай ўларлар..!



## **ҲАҚИҚАТНИ СЎЗЛАМАСАНГ...**

Сен кўп уринма,  
Ўзгартиролмайсан.  
Бўёқларни аралаштирма,  
Барибир, ранг қолур аслича.  
Бўйнингдан арқон осма,  
Тақдирингдан қочолмайсан.  
Барибир тарихда қолурсан аслингча,  
Ҳеч бирин ўзгартириб, алмаштиролмайсан.

Кун санаб, тун санамасанг,  
Бир кунингни ўтказасан англолмай.  
Нафс қули бўлиб, саховат қилмасанг,  
Ўз қадрингни унутасан билолмай.

Умрингда бир бора сўзламасанг ҳақиқат,  
Ўтирма! Тур! Қолма! Кет!  
Бир умр тилсиз юриб,  
Соқов бўлиб, ўлиб кет!



**ЖИМ...ДИМ...**  
(Сотқинларга)

Қачонлардир берилган саволга  
Қўл силтаб, қилинмаган эътибор.  
Қачонлардир айтилган уволга  
Бош кўтариб, қилганлар кибор.

Дардлар ҳеч бир шифосин тополмай,  
Малҳам изладилар қалблардан.  
Юрдилар сарсон-саргардон дайдидай,  
Охир, гиёҳин топдилар қабрлардан.

Юракларни йиғлатиб, эзиб виждонин,  
Ёлғондан кулди бировлар.  
Саробни мақтаб, ўзларига олиб «таскин»,  
Ўзларича келажакни қурди бировлар.

Кимларнинг ваъдасига ишониб,  
Ҳатто жавоб топдилар, овуниш учун.  
Аммо тарихий қадрин сотиб,  
Сўнгра билдилар — бари сохталик учун.

Гар тикка ўсмоқ истасанг,  
Болта урдилар, йўлни тўсдилар.  
Магарки, сен паст юрсанг,  
«Вазмин»лигинг учун тил қусдилар.  
Гар сен уларни ижобат айласанг,  
Сени олқишлаб мақтов айтдилар.

Содда одамлар, гурусизлар дердилар яна:  
Жим... яшаяпмиз,  
Дим... бўғиласан...



**ШУНЧАКИ...**

*(Сохталар учун)*

Минбардан туриб мадҳ этадилар,  
Жойда ўтириб, қалам тебратадилар.  
Узоқдан кўриниб баралла куйлайдилар,  
Улар шунчаки...  
Номини эслаб, қалбини унутадилар.

Ҳақиқатни қалбда сақлаб, ёлгон сўзлайдилар,  
Камчиликларни мақтаб, юракда ёмонлайдилар.  
Яхшиларни унутиб, ёмонларни эъзозлайдилар,  
Улар шунчаки...  
Ҳақиқатпарварни кутиб, адолатсизларни унутадилар.

Ўз бағримиздан юлиб, узоқларга отадилар,  
Барчаси бўлинганин бемалол кўрадилар.  
Кўзлари қонга тўлган бўлса ҳам, жим ўтирадилар,  
Улар шунчаки...  
Сарғайган баргларга ишониб, мева бермаслигини  
унутадилар.

Кемираётган... халқ дардини куйламасалар!  
Бирлашаётган... халқ сўзини сўйламасалар!  
Емиралаётган... халқ ҳаққини асрамасалар!  
Шунчаки бизлар...  
Ўлиб кетамиз, одамлигимизни унутадилар!

## ОСМОНДАГИ ҲАҚИҚАТ

Қаранглар...

ботқоққа ботибди ҳақиқат.

Яқинлашманглар...

оёқ тагида қопқон.

Қутқарманглар...

айб топиб, қиладилар туҳмат.

Бақирманглар...

жим... оғизга солинглар толқон.

Ҳақиқатпарварлар эзилиб,

Кўллари чўздилар ниҳоят.

Журъатсиз кўрқоқлар ҳасад қилиб,

Ақлсизликдан қилдилар маломат.

Охири, виждони қийналиб,

Қадамин ташлади адолат.

Уни кўрганлар шайтонлаб,

Қасдан қилдилар разолат.

Бундан аҳмоқлар қувониб,

Топдилар сохта ҳаловат.

Ботқоқдан дарак олиб,

Ҳатто денгизу кўллар кўтарди тўфон.

Тўрт тарафдан ғазабланиб,

Тошиб келарди ботқоқ томон.

Барча разилларни чўктириб,

Солдилар ботқоқ тубига.

Бечора ҳақиқату адолатни қутқариб,

Бердилар осмоннинг ўзига.

Ерда ҳукм сурмас экан адолат,  
Осмондан ҳеч қачон тушмагай ҳақиқат.  
Одамлар бир-бирига қилмас экан яхшилик,  
Бизни ҳеч қачон тарк этмагай ёвузлик!

## **ҲАҚИҚАТ ТАРИХИГА НАЗАР**

Ҳамма нафс-ла қиларди манманлик,  
Қалбларида қасд, кўзларида олов.  
Шунчалик кўп қилардилар тубанлик,  
Жазолаб, тўғри йўлни кўрсатмасди биров.

Риёкорлар зарбидан, кўзларида қаҳр.  
Ношуд-нотавонлар зулмидан,  
Қалблари ожиз, ҳатто сезмасди меҳр.

Зўрларин бериб чиқардилар қон,  
Сўрамай келдилар азалдан.  
Ватанин ҳимоялаб, бердилар жон,  
Унутилмай келдилар тарихдан.

Қодир бўлган буюк жасоратга,  
Ўша фидойилар, вафодорлар, қани?  
Узоқдан эшитилган ҳақиқатга  
Юзин кўрсатмай қочган айбдорлар, қани?

## ХИЁНАТЛАР...

Йўқликдан умид қилиб,  
Манфаат топдилар.  
Борлиқдан нажот истаб,  
Орзу қилдилар.  
Олисдаги қийинчиликларни билиб,  
Бидъат хаёл сурдилар.  
Шундан кўпайди хаёлпарастлар,  
Бундан бўлди хиёнатлар.

Қарасалар, орзуга эришмоқ қийин,  
Керак бўлди пулдорлар ёрдамин.  
Муаммолар кўпаярди борган сайин,  
Даркор бўлди амалдорлар қуролин.  
Уларга қараб мақтов айтдилар,  
Илож қолмагандай тиз чўкиб, обрў сўрадилар.  
Шундан кўпайди мансабпарастлар,  
Бундан бўлди хиёнатлар.

Пул бериб, бой қилдилар,  
Мансаб бериб, ҳайвон қилдилар.  
Виждонини сотиб олиб, қул қилдилар,  
Иймонини соттириб, динсиз қилдилар.  
Шундан кўпайди «маънавиятпарастлар»,  
Бундан бўлди хиёнатлар.

Бегона жойларни кезиб,  
Эътиқодсиз юрдилар сарсон.  
Ўз ватанларидан безиб,  
Номини айтишга эриндилар-ёмон.

Она тилини унутиб,  
Меҳрсиз гаплашдилар батамом.  
«Кўнгил»лари эриб,  
Ҳар нимани сал силаганга сотдилар-тамом.  
Шундан кўпайди шуҳратпарастлар,  
Бундан бўлди хиёнатлар.

Йиллар ўтиб, ёлғизланди,  
Даҳшатли жиноятларга боғланди.  
Азоб тортиб қийноқларда,  
Дўзах эшиги томон юзланди.  
Шундан ўлди ярамаслар,  
Бундан тўлди қайтмаслар.

## **МУҚАРРАР**

Тарихга қолғувчи кунлар келди,  
Адолатсизликлар шунчаки унутилмади.  
Нега? Нима учун? дея сўровлар бўлди...  
Виждони эзилиб ўлди. Жавоб беролмади.

Тарихий кунлар ўтса, ҳақиқатсиз,  
Адолатпарварлар қайтади тирилиб.  
Сени қийнайверарлар сабабсиз, сўроқсиз,  
Сендайлар бирма-бир кетади қирилиб.

Келинлар, шундай дунё яратайлик,  
Унда ҳеч ким душман бўлмасин.  
Келинлар, шундай ҳаётда яшайлик,  
Унда ҳамма дўст бўлсин!

## ЕР ЎКСИНИБ СЎЗЛАЙДИ...

Озод эдим...

ҳеч ким қилмасди ҳукмронлик.

Яшар эдим...

ҳеч ким қилмасди тўсқинлик.

Асрайсан, авайлайсан дея бердим ўз ҳокимдан,  
Сен яралдинг, менинг лойимдан.

Озод эдинг...

хур ва шодон.

Яшар эдинг...

бахтли, омон.

Қорин гами эди фақат муҳтожлик,  
Меҳр-ла бирлашиб, қилардинглар ов.

Қалбингизда бор эди одамгарчилик,  
Ҳасад қилиб ёмонламасди биров.

Йиллар ўтиб улғайдинг,

Ақлни чархлаб, нафсни қамчилаб,

Ким-кимларга меҳрни томчилатдинг.

Мана, ярим кўнгиллилар узоқда,

Сизни соғиниб, кутиб кўролмаган,

Юракларни солдиларинг қийноққа.

Меҳр истаб келганлари чоғида,

Кўпайишиб, чиқардинг бегонага.

Ришталар узилди охир-оқибат,

Ўртада йўқолди шундай меҳр-муҳаббат.

Бегонасираганига, камситилганига ким қиларди  
сабр-тоқат,

«Сеники, меники» деганга, ким ҳам қиларди  
раҳм-шафқат.

Энди улар бегона, бир-бирини танимас,

Энди улар мардона, бир-бирини аямас.

Бир онадан туғилган фарзандлар,  
Ўз наслини билмайди.  
Бир ерда яшаган одамлар,  
Ўз-ўзини кўролмайдди.  
Вақт ўтиб борар, замон ўзгариб,  
Яхшилар камайиб, ёмонлар кўпайиб борар.  
Нафратни тушунмасинлар дея,  
Топиб гаплашдилар ўзга тилда.  
Ҳазабни билмасинлар — дея,  
Қориб сизгинишдилар ўзга дилда.  
Мана, тиллар пайдо бўлди,  
Ер ҳам номланиб, ерларга ажралди.  
Ер берган инъомлардан олиб идрок,  
Манфаат топдилар.  
Ният қилиб, оддийгина хасдан ясаб байроқ,  
Ўз номини айтдилар.  
Майли-да, шундай бўлса ҳам,  
Топдилар ҳаловат.  
Майли-да, қайси дин бўлса ҳам,  
Қилдилар саховат.  
Табиат гўзаллигини кўриб, кездилар дунё,  
Қарасалар, ҳаёт ўзгача.  
Илмни юксалтириб, қидирдилар мол-дунё,  
Қарасалар, ерлари ўзгача.  
Ақллиларда туғилди фикр,  
Бой ерларни босиб олмоқ керак дея  
Нафс қуллари қилмай зикр,  
Фармон бердилар, бир қўлини силкитиб.  
Қайси фарзанд, қайси отанинг боши  
Юмаларди ер бағрини қонлатиб.  
Кимнингдир ўғли, кимнингдир отаси деб,  
Улар танасини...  
Ўз онасидан, ўз боласидан яширмоқ учун

Бечора эзилган ер юрагини тирнаб,  
Кўмдилар ўз болаларини...  
Бу касофатлар, талофатлар чўзилди узоқ,  
Қизил қонга беланган ер эса,  
Йиғларди, йиғларди мудроқ.  
Ер ўз қаърига тортса бўларди,  
Аммо ўзини топширди одамларга батамом.  
Ўша пайт ҳам қадрини билсалар бўларди,  
Аммо урушиб қон тўкдилар мудом.  
Уруш бўлди минг йиллар,  
Ерни эгаллади ким-кимлар.  
Бир сиқим тупроқни ҳам ололмай кетган аллакимлар,  
Яна ер талашишлар... одам ўлдиришлар...  
Менинг юзимга байроғини санчиб,  
Менинг ерим дер.  
Кўзимга яқин жойларни панжаралаб,  
Менинг майдоним дер.  
Эҳ, одами ақли расо,  
Мен биттаман, танҳо.  
Сен бандасан еримда,  
Шундай бўлса ҳам...  
Мен эзиламан гоҳо,  
Сен яшаган бағримда.  
Тилларга ажратиб, миллатлама!  
Динларга ажратиб, динлама!  
Ерларга ажратиб, майдонлама!  
Одамларни ажратиб, шайтонлама!  
Сизлар иноқ яшаган замон,  
Бутун қалб, меҳримни қиламан эҳсон.  
Бир-бирингизга меҳр-муҳаббатни қилсангиз инъом,  
Мен сизларни атайман буюк инсон!



## ЁЗМОҚДАМАН...

Буюкларни бошидан олмаганлар тан,  
Ножўя танқид қилиб, йўқотганлар — нодон.  
Хатто қувғин қилиб, қилганлар беватан,  
Сўнгра изини ўпиб, қидирганлар — сарсон.

Нима ҳам айта олардик, ҳаёт қонуни,  
Барчаси аёндир тарихи азалдан.  
Нима ҳам дея олардик, омонат жони,  
Кўплари эрта сўнган, кўролмаганлардан.

\* \* \*

Майли-да, мени ўқимасинларда узоқ,  
Ёзганларим қалбим дардига бўлар малҳам.  
Майли-да, мени унутсалар-да тезроқ,  
Ҳаётда абадий қолар фикрларим ҳам.

Кимлардандир кечиб ёзмадим,  
Нималардандир қўрқиб ижод қилмадим,  
Хоҳ яхши, хоҳ ёмон — барчасини куйладим.

\* \* \*

Дилида туғилганки, шундайин фарёд,  
Тўхтамай ёзмоқда ҚАЛБ НИДОСИН Фарҳод.

## ДЕВОНА ЭМАСМАН...

Девона эмасман, дўстлар,  
Ҳаётни тўғри тушунганим!  
Кўплар шодон бўлса, дили гирён,  
Гаплари рост бўлса, ярми ёлгон.  
Ишонманг алдовларга, ҳамма — ёмон,  
Ёмон бўлмаса, мени девона демасдилар.

Девона эмасман, дўстлар,  
Ҳаётни тўғри тушунганим!  
Эзгулик айланар ёвузликларга, аксинча эмас,  
Дўстлар айланар душманларга, аксинча эмас,  
Яхшиларни ёмонлайдилар, аксинча эмас,  
Аксинча бўлмаса, мени девона демасдилар.

Девона эмасман, дўстлар,  
Ҳаётни тўғри тушунганим!  
Ҳақиқатни эмас, ноҳақликни тушунадилар,  
Адолатни эмас, адолатсизликни севадилар,  
Тўғриликни эмас, эгриликни хушлайдилар,  
Хушламасалар, мени девона демасдилар.

Девона эмасман, дўстлар,  
Ҳаётни тўғри тушунганим!  
Минбардан туриб, пастдагиларни бузадилар,  
Машҳур Бойдан бўлиб, камбағални эзадилар,  
Мансаб, мартабадан тўлиб, ҳаётни тузадилар,  
Тузмасалар, мени девона демасдилар.

## **ТАҚДИР ЖАЗОСИ**

*(Шеърӣй достон)*

Ҳар замоннинг ҳар сониясида  
Туғиларкан минг бир гўдак.  
Ҳар маконнинг бир гўшасида  
Қилинаркан минг бир тилак.

Севишган қалблар туташиб,  
Бир оила бўлганди бунёд.  
Муҳаббат ришталарин боғлашиб,  
Бахтли жуфтлик қутаётганди зурриёд.

Кимларнинг таъсирида яралган қалб,  
Ҳаётга талпинарди қимирлаб.  
Ота завқланиб ўғилгинам — деса,  
Она суюниб қизгинам дерди роса.

Кутганларнинг истаги ажралди иккига,  
Яратган буларни билди.  
Берганига шуқур қилмадилар бирга,  
Қисматиға уларни илди.

Кутилган бахтнинг тўлди оий,  
Чақалоқ туғилди қиз-чиройли.  
Она фарзандим дея ўпса силаб,  
Ота ўғлим қани? — дея йиғларди додлаб.

Қизимиз, фарзандимиз дея икки кўллаб,  
Отасининг бағрига авайлаб берарди она.  
Зурриёдини меҳрсиз қучоқлаб,  
Хаёли паришон бўлиб ўтирарди ота.

Эндигина туриб кетаман деганда,  
Ғақатгина меҳрга муҳтож қизалоқ.  
Ота юрагига кўксини қўйиб босганда,  
Унинг қалбини забт этганди чақалоқ.

Биринчи ўғил, биринчи қиз,  
Кимлар учун аҳамиятсиз.  
Бироқ ҳар бир ота-она учун  
Ҳамма нарсадан фарзанди азиз.

Биз шундай ёзамиз,  
Ҳаётда кўпларни кўрмай.  
Биз шундай тушунамиз,  
Бахти қораларнинг дардларини эшитмай.

Майли-да, тинглайлик икки томон,  
Ахир, кимлар учун ҳамма ёмон.  
Ота ниятига етмади, дард экан — тушундик,  
Дарди борнинг тақдири ўзида экан — қўйиб бердик.

\* \* \*

*Ота:*

Аёл бўлиб, ўзинга сирдош сўрадинг,  
Эримнинг тилаги демай, худодан қиз тиладинг.  
Балким сен сабаб ўғил бўлмай, қиз бўлгандир,  
Балким уруғингда қиз туғувчилар кўпайгандир.  
Ё у сабаб, ё бу сабаб, барибир, сен сабабқорсан,  
Фарзандимиз қиз туғилишининг боиси сен бўлгансан.

*Она:*

Майли, сиз айтганча бўлай сабабқор,  
Хурсандман, чунки суюкли фарзандимиз бор.  
Ҳомилам бўлганда, қилдик минг шукурлар,  
Туғилганида биримиз энди, нечун қиламиз нолишлар?

Болажонимиз қисматиға битилган бўлса қизлик,  
Нима учун? Нега? Қилмас экансиз оталик.

*Ота:*

Тўққиз ой қисматиға қизлик ёзиб,  
Ҳаётга сен келтирдинг-ку, ўғилдан кечиб.  
Тақдир-пешонасига айтиб умидинг,  
«Ёзилгани бўлади» — баҳонасин дединг.  
Агар билсанг, ўзимиз битамиз ҳаёт қисматин,  
Яшаш илинжида ўзимиз сабаб, ўзгартирамиз  
қисмат ҳаётин.

*Она:*

Яралганни яратгувчи билар мукамал,  
Қисматиға не ёзилган — барчасини билар муфассал.  
Тақдириға жаннат битилади, яралишидан аввал,  
Сўнгра саралаш учун бу синовли дунёға қилади қамал.  
Балким ўзимиз сабаб битармиз қисматимиз,  
Бироқ, анланг, ахир, ўзимиз ожиз бандамиз.

\* \* \*

Эр-хотин тортишдилар узоқ,  
Вазиятдан фойдаланган шайтон,  
Ношукур отага қўйди тузоқ.  
Бидъат ҳаёлларга берилиб, истади ажрашмоқ,  
Яқинларидан таъналар эшитиб, танлади кутмоқ.  
Энди аёли худога қиларди илтижо,  
Оиламизнинг бахти порласин дея.  
Ниятларини Оллоҳ айласа бажо,  
Ўғил бўлади, бегим, дерди бечора.  
Ҳаммасидан яхши ўтарди кунлар,  
Соғинчли нигоҳ ташларди тунлар,  
Зурриёд кутарди... яна севишганлар.

\* \* \*

Ота чақалоқ йиғисин эшитди бирдан,  
Қувонч-ла сакраб турди ўрнидан.  
Соғлом туғилдими болажоним демай,  
Ўғилми? Қизми? – дер эди ҳар дам.  
Терларин артиб, хонадан чиқди доя,  
Отасига боққан кўзларида борди киноя,  
Сезгандай бўлиб, йиғлади ота,  
Чунки хотини қиз туққанди яна.  
Қора терга ботиб, ўйланди узоқ,  
Ҳеч сабаб тополмай куюнди.  
Охири, айбни ёридан топиб кўпроқ,  
Гуноҳсиз аёлга ноҳақ юкланди.

\* \* \*

*Ота:*

Наслингда кўп экан аёллар,  
Бирма-бир санаб чиқдим эринмай.  
Қўплар билан қилдим маслаҳатлар,  
Ўғилли бўлиш йўлини тортинмай.  
Сендан кечмай, хаёлларни сурдим,  
Айт, нечун умидсизликка учрагандай бўлдим?

*Она:*

Балким сиз ҳақдирсиз, бегим,  
Балким сабабкор мен ўзим.  
Бироқ гуноҳсиздир ажодларим,  
Бироқ билмайман ҳам жавоб сўзим.  
Майли-да, қиз туғиб сизни шод этмаган бўлсам,  
Аммо сизни бахтли қилиш учун ичганман қасам.

*Ота:*

Севгилим, жоним... айт, нима қилай?  
Қалб вужуди ила истаса ўғил.

Севгига бош эгмаса бу тилак... айт, нима қилай?  
Ҳижрон ҳиссини сезган бўлса ҳам кўнгил,  
Юрагимизда истак яшар ё муҳаббат,  
Билмадим, мунчалар азобларга тобланмаса матонат?

*Она:*

Бегим... саволларга ўзингизни буркаманг,  
Ахир, сиз эришгансиз кейинги истакка.  
Севгимиз ожизми, дея ҳам ўзингизни қийнаманг,  
Озор бериб қўясиз севгимиз учқунлаган юракка.  
Қисматимиз китобини ёзаётган ҳаётдан нолиманг,  
Кулиб қаранг фарзанд ато этган шундайин борлиққа.

*Ота:*

Ўзинг топмай ҳаловат,  
Канда қилмадинг тиловат.  
Чарчадим... тополмай зарурат,  
Ё салгина далда берармикан башорат...  
Унда бўлмаса чин ҳақиқат,  
Айт, кўрсатармиди зиғирча каромат?

*Она:*

Келинг, бегим, кутайлик жим,  
Келажакни айтолмайди ўша мунажжим.  
Келинг, бегим, яшайлик хотиржам,  
Инсон ҳеч яшамаган замонда беғам.  
Келинг, биз ўрناق бўлайлик ҳар дам,  
Керак, ахир, қизлар ҳам.

\* \* \*

Муҳаббат ўчмас бу мажруҳ кўнгилдан,  
Юраклар ажралмас абад.  
Фарзанд тугилган дилхуш оилани,  
Бахту омадлар кетмас... ташлаб.

Қалблардан яралган турмуш,  
Қийинчиликларни енгарди батамом.  
Агарда бахт келганда хомуш,  
Шоду хуррамлик ҳам уларга бўларди ёмон.  
Шундай ҳолатда кутарди ота,  
Учинчиси бўлармикан дея, ўгил бола.  
Агарда қиз туғилса яна,  
Хуноб бўлиб кетарди яна.

\* \* \*

Кунлар ўтарди маъносиз,  
Ота-она кутганда зурриёд,  
Қизлар яшарди ота меҳрисиз,  
Ҳар кун қилганда фарёд.  
Негадир, фарзанд ҳиссини сезмасди она,  
Ойлари боғланиб кетганда ҳам.  
Шунгами, ғам чекарди ота,  
Бошини қилиб, кўплар олдида ҳам.  
Жуда ҳам нолирди баланд,  
Ҳаётидан қониқмай, излаб айбдор.  
Шу билан қисматига битиб панд,  
Кўнгилларни тилиб қўйди нобакор.

\* \* \*

Сабаб ахтариб, қоқдилар неча эшик,  
Жавобларидан йиғладилар бенаво.  
Ҳатто суриштирдилар боласиз бешик,  
Шифосин сароб бўлгандай, бедаво.  
Кимда экан айб ё гуноҳ,  
Ҳеч ким аниқ айтолмади – мужмал.  
Бормикан бу қисматни ўтказган гувоҳ,  
Менга тушунтирсайди дерди мукамал.  
Фарзанд бўлиши мавҳум ё аён,  
Сабр косаси тўлди отанинг...



Аёли ибодатда тилаб йиғласа ҳам нолон,  
Барибир, турмуши бузилди оиланинг.

\* \* \*

*Ота:*

Мен сенга қилмайман хиёнат,  
Шунчаки, ажрашаман, қилолмам тоқат,  
Балким бошқага ёзилган қисмат,  
Ўғил берар — энг буюк немат,  
Мени кечир, севгим — адолат,  
Сенга кўринмасин, жоним, бу — разолат.

*Она:*

Бегим... шунча чидадингиз беминнат,  
Майли, бизни ташланг, агар ўғил бўлса азамат,  
Агарда бу қарорингиз бўлсагина диёнат,  
Ҳавотирланманг, дунё менга асло бўлмас зулмат,  
Майли, топинг мендан-да гўзал сарв-қомат,  
Шунда ҳам топарман ҳаётдан бир ҳикмат.

*Ота:*

Оҳ, чидолмайман, бу қандайин ҳижрон?  
Юракларим тилка пора, ақлим вайрон,  
Истагимни эзар, қарорим тўзар, қийналар виждон.  
Кетарман, қочарман, қайда бўлса оломон,  
Мени қарғаб қилмасинлар дея тошбўрон,  
Аммо, азизим, юрагим қолар ўшандай гирён.

*Она:*

Бегим, биз ажралган он,  
Кетинг узоқларга беармон,  
Қайтиб келманг биз томон,  
Токи туғилгунча алп-ўғлон,

Майли, қачонки соғинсангиз ёмон,  
Унутманг, кутаётган бўламиз ҳамон.

*Ота:*

Бу қандайин бўлди ҳаёт,  
Мунчалик умримни қилмаса барбод?  
Бу қандайин ёзилган қисмат,  
Унда кўрмадим ҳеч бир ҳиммат.  
Қалбда пайдо бўлган бу қандайин адоват,  
Бунчалик бошқасига қилмаса даъват.

*Она:*

Бегим... бу борада мен ожиз,  
Чунки ўзим қоляпман ёлғиз,  
Билмадим, бу қандайин ғализ,  
У ҳақида ҳеч ким очолмас оғиз,  
Хулосам... кўпларни қилмаган қадрли, азиз,  
Ажаб замоннинг ўзи экан ялмоғиз.

\* \* \*

Ёш оила бўлди, охир, жудо,  
Ота бечора кетди узоқларга.  
Аёл қолди, ёлғиз қўл, кўнгли бежо  
Чорасиз қолган қизларга.

Бўйида бўлган экан ҳомила,  
Шунинг учун аёлга қийин эди рўзғор.  
Мадорини йўқотган бўлса ҳам тамомила,  
Ишлаб, чарчаб тунларини ўтказар эди бедор.

Эри эса, сараларди, ўзига бегона аёл,  
Олисларга қолиб кетган кўнгил билан.  
Фарзанд кутаётганини ҳатто қилмасди хаёл,  
Юрарди сарсон, сўндирган умиди билан.

Маъюс, маҳзун ўтаётган умр,  
Аёлга йўлиқтирди, саратон хасталикни.  
Нотўғри, ноҳақ айбланган тақдир,  
Зарраларга зориқтирди, йўллаб ёвузликни.

Шундай бўлса-да чекиб тугён,  
Дунёга келтирди бир алп-ўғлон.  
Қизлари шод отасини ахтарар,  
Афсус... узоқларга кетганди ота беҳабар.

Бир лаҳза бағрига ўғлини босди она,  
Ногаҳон қўли бўшашди, йиқилди бола.  
Ҳаётининг порлаган пайтида топди мангу завол,  
Ўз ўғлининг меҳрига тўймай, бу дунёни тарк этди аёл.

Музлаган кўкракка талпинаётган чақалоқ  
Йиғлаб, бармоқчаларини тутарди она юзига.  
Ловиллаган юрагини босиб, қаттиқ қучоқлаб,  
Маъюс боқарди бир лаҳза болажоним, деган онасига.

Уй юмушларин қилиб саранжом-саришта,  
Онасин, укасин кўргали келарди қизлар.  
Хона эшигин очиб кирсалар оҳиста,  
Онасин, укасин ерда ётганин кўришди қизлар.

Бири онасига, бири укасига ташланди, ҳайҳот,  
Укалари йиғларди, оналари эса жим.  
Бири ўнг, бири чап томондан суянди, вой-дод...  
Зимистонга айланган танадан сезилди ўлим.

Ниманидир, кимнидир йўқотгандай мангу,  
Онажоним, дея йиғлардилар нолон.  
Ёш қизларга таниш бўлмаган бу қайғу  
Қалбларини ёндириб, айлади гирён.

Оналари кўмилган тупроққа,  
Қасам ичдилар оталарин эслаб.  
Агар қайтолса кечирилмоққа,  
Дада, демаймиз дедилар қарғаб.

*Қизлар:*

Ташлаб кетмаганида эди узоққа,  
Шу кўйга тушмай қолармиди, бахтлигича.  
Агарда айблаб қолдирмаганида эди қийноққа,  
Шундайин азобда қолмасмидик айрича.

\* \* \*

Энди ота томондан эшитинг, азизлар,  
Қилиб юрганмикан афсуслар.

\* \* \*

Анчайин юриб сарсон, топди бир нозанин,  
Унга хаёлан боғланиб, эргашди шодон,  
У отиб хандон, кўрсатди ўз бебошлигин,  
Унга ёққанига бу нодон, яна бўларди шодон.  
Кимлардан кечиб, ўзидан чўчиб,  
Унинг қўлини сўради, хурсанд.  
Оиласини бузиб, ўзини тузиб,  
Розилигин берди хулқипанд.  
Суюкли ёри қазо қилган сана,  
Мана, аҳмоқ, турмуш қурди яна.

Аёлини асраб, ўзи ишларди нотавон,  
Орзумни ушалтириб, туғиб беради дея ўғлон.  
Мана, кунлар, ойлар ўтиб ҳомила етилди,  
Қисматидан қочган отага яна қиз туғилди.  
Ниҳоят, бошлар деворга урилди,  
Отанинг ўз истагидан умиди узилди.  
Бир кун жанжал бўлганига иккинчи хотин,

Ташлаб кетди хўжасин, ҳатто боласин.  
Энди англаб «биринчи аёл» қадрин,  
Қайта эсга олди бахтли ўтмишин.

Қайтаман деса, ўзи гуноҳқор,  
Ичкиликка урди ўзини.  
Кимсасиз яшайман деса, қизи бор,  
Муҳтожликда ўстирди уни.  
Шу зайлда қолди умр кечириб,  
Йиллар эса, ўтиб кетарди изсиз.  
Шу майлда қотди, бўзрайиб,  
Фарзандлар эса, улғаярди отасиз.

Тақдирни қаранг, қандай айёр,  
Жазолаш турлари унда бисёр.  
Бир отадан бўлган ўғил-қиз,  
Боғ қўйнида учрашдилар ёлғиз.  
Ким билади бу- ажаб ҳодиса,  
Машҳур дoston бўлар ё қисса.

Ака-сингиллигин қилмоқчи эдим баён,  
Афсуски, қисматлари экан азобистон.  
Бир лаҳзалик тушган нигоҳ,  
Севги ниш урганидан берарди огоҳ.  
Тақдир билади — бу севги сароб,  
Аммо мақсади отани қилиш хароб.  
Майли, жазоласин шафқатсиз ҳаёт,  
Бошқаларга ўрнак бўлсин барҳаёт.  
Давом этайлик бу ибратли савдо  
Кимларнинг қалбига соларкан ғавго.  
Демак, севишдилар ака-сингил,  
Бир-бирларига бериб кўнгил.  
Учрашдилар қолиб узок; дил майли,  
Ўпишардилар очиб кучоқ; тақдир зайли.

Муҳаббат чўққисига етган онда,  
Севгимиз куймасин ҳижронда.  
Энди етар шунча баҳона,  
Бас, учрашмайлик дедилар пинҳона.

\* \* \*

Гуллола отасига жилмайса ҳамон,  
Азамат опаларига айтарди равон.

\* \* \*

*Азамат:*

Опажонларим, эшитинг сўзларим чин,  
Унда йўқдир сароб эҳтироси.  
Юрагимга урсалар ҳам неча қамчин,  
Барибир, айтавераман қалб рости.  
У гўзални қандай таърифлайин, ожиз сўз,  
Юзлари тиниқ, қоши камон бир қора кўз.  
Сўзласа, овози юрагимни титратар мисли шалола,  
Баланд тоғлардай бахт таратар, исми Гуллола.  
Гуласал, Гулчирой – опажонларим,  
Олиб бермасанглар, ҳайҳот,  
Қалбдан сўлиб борадур жонларим.

Бир боқишда сизга ўхшатгандим опажон,  
Шунданмикан, унда кўрдим қандайдир  
умидим учқуни.  
У ҳам худди сизлардай, бўлди менга меҳрибон,  
Шунданмикан, ундан топдим севги деган туйғуни.

*Гулчирой:*

Мен розиман, укажон,  
Дардингни қилмасанг ҳам дoston,  
Уни севишинг бизга бўлди-ку аён.  
Майли, онамни эслаган қалб-ла,

Келинимни атарман Гуллола,  
Энди бизни уйига бошла.

*Гуласал:*

Мен нима ҳам дердим, тақдир экан,  
Онам ҳам отамизнинг исмларини қўйган сенга.  
Азамат ва Гуллола жуфтлик, давом этар экан,  
Қисмат ва ҳаёт бирлик тузган бунга.  
Бор, укажоним, хушxabарни етказ қувонч-ла,  
Тез кунда уйларига борармиз тонг-ла.

\* \* \*

Узоқ тортиниш, уялиш,  
Ҳеч айтолмасди, турарди қоқмай им.  
Ҳаёлан дадилланиш, қатъийланиш,  
Ҳеч яқинлашолмасди, қотарди жим.

Хушxabарни эшитганидан сўнг,  
Ўзини қўярга тополмади жой.  
Юрагидан урилгандай бонг,  
Сабри тўлди мисли тўлин ой.  
Севгисига бўлиб парвона,  
Сармаст чоғланди айтмоққа.  
Отасининг олдига бориб мардона,  
Дил сирийн бошлади сўзламоққа.

\* \* \*

*Гуллола:*

Отажон, рози бўлдим, сиздан сўрамай ижозат,  
Сиздайин инсон экан, рад этмадим имконият.  
Аллақачонлар ўртамизга пайдо бўлган муҳаббат,  
Пинҳона учрашувлардан чарчади, қилмади тоқат.  
Буни қаранг, отажон, ҳаётда кўп экан ўхшаш хилқат,  
Мен севган алп-ўғлон ҳам сиздайин Азамат.

*Ота:*

Майли, қизим, севгингни қилмайман ҳеч рад,  
Лек қиз бола дил изҳор қилиши — иллат.  
Агар бир-бирингизни кўрганда, топсангиз ҳаловат,  
Сизларни ажратмоқ огир жиноят.  
Майли, энди унга айтгин бўлмай ҳижолат,  
Аввал ота-онаси бажарсин бизнинг урф-одат.

*Гуллола:*

Отажон, ҳали севгимни қилмадим изҳор,  
Қизлардаги ибo-ҳаёни қилмадим хор.  
Агар у чин севгисин қилмаса изҳор,  
Мен сизга очиқ айтмасдим зинҳор.  
Майли, этайин ҳаммасидан хабардор:  
Унда мендан-да кўп муҳтожлик бор...  
Унинг ҳам онажониси йўқ мендай,  
Туғилмасданоқ отаси ҳам ташлаб кетган аблаҳдай.  
Икки опаси бор — Гуласал, Гулчирой,  
Шулар бизникига келишса керак, ҳойнаҳой.

....

Нечун қизардингиз гапларимга,  
Фақат етим экан деманг сабабин...  
Ё ачиндингизми? Унинг ҳолига,  
Нечун жимсиз? Айтинг сабабин?..

*Ота:*

Мабодо... тўнғич опасимасмикан Гул-чи-рой!  
Ё... онасининг исмимасмикан Гул-ло-ла!  
Айт, тезроқ санчимай юрагимга ёй,  
Токи қилмайин ҳозирдан қонли нола!

*Гуллола:*

Билмадим, отажон, қизиқмаганман ҳеч,  
Нега сўрадингиз ҳаяжон билан?



Зарур бўлса, розилик беринг шу кеч,  
Учрашувга чиқайин хушхабар билан.

\* \* \*

Отаси ижозат бермади ҳавотирланиб,  
Азамат эса, кутарди ҳаяжонланиб.  
Ким билсин, бу — тақдир  
Яна кимларга қилади қаҳр.

Учрашмай қайтарди йигит,  
Миясида минг хаёл билан.  
Опалари қанча берса ҳам ўғит,  
Умидсизланиб қолганди йўқ савол билан.

Ота бечорага қийин эди бу савдо,  
Шубҳа, гумон, иштибоҳ ҳам тахмин  
Қалби ҳар сонияда берарди садо,  
Гарчи бунга бўлмаса ҳам амин.

Ниҳоят, опа-сингил борганларида бўлиб совчи,  
Азаматнинг кўнгли топгандай бўлди таскин.  
Йўл-йўлакай укаларига лақаб қўйиб овчи,  
Ғийбат қилдилар унинг севгию, рашкин.

Аччиқ қисмат ниҳоя, қаршиларида ола дарвоза,  
Секин тақиллатдилар, кўшниларга бўлмасин дея овоза.  
Эшикни очарди, таърифидан гўзал Гуллола,  
Уларни меҳмон қилиб, чой узатарди уяла.

Биз Азаматнинг опалари бўламиз деганда,  
Қизнинг уялишин, қизаришин кўринг эди шу онда.

Майли қувонмайлик барвақт,  
Нима бўлаётганин била туриб.

Огоҳ бўлайлик ҳар вақт,  
Тақдир жазосин кўра туриб.

Бирдан расмга тушди кўзлар,  
Деворда осиглиғ турарди хиёл.  
Не кўз билан боқсин қизлар,  
Суратда ўз отаси билан бегона аёл.

Биргалашиб «Ким?» – дедилар опа-сингил,  
Гуллола айтди: Онам, отам.  
Ҳасрат-ла бош уриб, айтдилар эзиб кўнгил,  
Ахир, отамиз-ку – бизга келтирган ғам-ситам.

Гуллолақиз ўтирарди ҳайрон,  
Нима бўлаётганин англолмай.  
Опа-сингилларнинг юраклари бўлиб қон,  
Хонадан чиқардилар тушунолмай.

Дарвоза томон борардилар, бемехр отани хотирлаб,  
Нималарнидир ўйлардилар, падарини ёмонлаб.  
Қаранг, қисмат қўймади шунчаки кетишга,  
Отасининг ўзини олиб келди, эшик олдига.

Ҳовлисига кираркан қўлда сумка билан,  
Қизларини таниди, эслади хор қилганин.  
Қўлларидаги бозорлар тушди,  
Қизлари олдига тиз чўкди.

*Ота:*

Жон қизларим... бироз қолинг, тушунтирай,  
Шайтонхаёл оёқдан чалганин.  
Дилбандларим... кулоқ тутинг, айтай,  
Ташлаб кетган аҳмоқлигим сабабин.

*Гулчирой, Гуллола:*

Керакмас бизга ўткинчи дарди ҳол,  
Онамиз ўлганда кечирмасликка ичгандик қасам.  
Керакмас энди бу бечора соҳибжамол  
Сиз билмаган Азамат ўглингизга ҳам.

\* \* \*

Ота дард-ла йиғларди, севган ёрим дея,  
Бахтсиз қувонарди, Азамат — ўғлимми? — дея.  
Ҳам хўрлик, ҳам шодлик, нақадар бахти қора ота,  
Шунга ҳам етимларидан сўрарди тил тута.

\* \* \*

*Ота:*

Қандай эрта тарк этди...жоним... бу дунёни?  
Нечун менга етказмадингизлар жудоликни?  
Ахир,ким учун ташлаб кетдим, севган ёрим?  
Яна нечун билмайман ҳалигача ўз ўғлим?

*Қизлар:*

Сиз ташлаб кетган замон,  
Онамизнинг аҳволлари бўлди ёмон.  
Текшириб айтди шифокор,  
Онангизни бўйида бор.  
Касалнинг асорати эди ўзгача,  
Давом этди узоқ вақтгача.  
Ташхис қўйган касалистон,  
Айтди: бу хасталик саратон.  
Нима ҳам қила олардик: биз ёш,  
Иложсизликдан қилардик кўз ёш.  
Онамиз бечора чидадилар дадил,  
Охири, шу ҳолича туғдилар ўғил.

Аслида мумкин эмаскан фарзанд кўрмоқ,  
Аммо бегимнинг истаги, дея танлабдилар ўлмоқни.  
Афсуски, биз бундан эдик беҳабар,  
Кейинчалик эшитдик ўша хушхабар.  
Шул сабаб бердилар жон,  
Йўлиқди бизга аянчли ҳижрон.

\* \* \*

Буни қаранг Азамат ўғлон,  
Дарвоза орқасига турган экан пойлон.  
Барчасин эшитгани аён,  
Энди нима бўлар бу жараён?

Эшикдан кириб, отасига солмади назар,  
Чунки ундан қилганди ҳазар.  
Опалари олдидан ўтмай бу сафар,  
Гуллоланинг нозик қўлларидан олар.  
Биргаликда айтдилар: бу хатар,  
Ахир, синглинг бўлади, қўлингни қайтар.  
Шунда ҳам тинчимади Азамат,  
Уларни олиб чиқди уйдан иллат.  
Ким билсин, балким, иккинчи қисмат,  
Достон ичра бошлар ибратли ривоят.  
Кўнгилларга бериб ихтиёр,  
Ўзларини қилдилар бахтиёр.  
Мана севган қиз ҳам гуноҳкор,  
Ўз акасидан бўлди ҳомиладор.  
Бунга мени қарғаманг, тутманг айбдор,  
Ҳаётда эр-хотин бўлаётган қариндошлар бор.  
Иккинчи аёлнинг қисмати қолганди чалалигича,  
Уни ҳам давом эттирайлик тўлалигича.  
Гуллоланинг ҳам етганди ойи,  
Олиб бордилар шодон.

Нимагадир ёмонлашганди авзои,  
Дард чекарди нолон.

Тақдир, тақдир... туғдиргувчи онаси,  
Билмасди азобланаётган — қизининг ноласи.  
Қондош, қариндош...узилди томир толаси,  
Онасининг қўлида жон берди қиз боласи.

Тарих — тажриба, тарих — сабоқ,  
Англаш керак қандайин ўрганмоқ.  
Шул сабаб — азалиятни билмаган нодон,  
Ойнадан боласини кўрарди ногирон.

Энди отанинг ҳолини кўринг,  
Бундан оғринган кўнгилларни кўринг!  
Ким ҳам чидай оларди бу қисматга,  
Энди фойдасиз эди илтижо.  
Юрагини ушлаб йиқилиб ерга,  
Бандаликни келтириб бажо...!

\* \* \*

*Тақдир:*

Қисматингдан ранжима, бу — ҳаёт,  
Ким билар қачон бўлишимиз фано.  
Ҳаётингдан нолима, бу — қисмат,  
Нима бўлар барчаси, аввали худо.  
Берганига шукур қил, кам дема,  
Кимларда у ҳам йўқдир.  
Олганига сабр қил, йиғлама,  
Ҳамманики ҳам, бу омонатдир.

*Муаллиф:*

Ҳаётдан қилдим баён,  
Қисматлардан боғлаб дoston.

## МУНДАРИЖА

Руҳий ҳолат манзаралари.....	3
Ватан.....	5
Нечун.....	6
Илҳом.....	7
Гоҳида унутамиз.....	8
Дангасалик оқибати.....	9
Хато қилдим.....	10
Кечани ўйлаб афсусланмайман.....	11
Ўйгламанглар.....	12
Иллат .....	13
Сизни қутқарган жигарбандлар дуоси.....	14
Яқинларимни қийнама.....	17
Хасталикка муружаат.....	18
Тоғажонимга ( <i>Марсия</i> ).....	19
Уйқусизлик сабаби.....	21
Касалликларга.....	21
Ўлаётган бемор.....	22
Одам ажратма.....	23
Бориचा қадрланг.....	24
Фарзанд қадри.....	26
Ажралмоқ нечун.....	29
Қуллар ноласи.....	32
Узоқдаги дард.....	34
Тил қадри... ..	36

Тоғлар чўқмоқда.....	38
Қарғиш жавоби.....	39
Унутмай эсланглар.....	41
Ғийбат .....	42
«Узоқ тикилиб...».....	43
Яқинлик соғинчи.....	44
...га.....	45
Унутилганда ҳақиқат.....	46
Ҳақиқатни сўзламасанг.....	47
Жим... дим.....	48
Шунчаки.....	49
Осмондаги ҳақиқат.....	50
Ҳақиқат тарихига назар.....	51
Хиёнатлар.....	52
Муқаррар.....	53
Ер ўксиниб сўзлайди.....	54
Ёзмоқдаман.....	57
Девона эмасман.....	58
Достон. <i>Тақдир жазоси</i> .....	59

**ФАРҲОД ФАРМОН**

# **ҚАЛБ НИДОСИ**

*Шеърлар ва достон*

Муҳаррир: *Шукур Қурбон*  
Бадий муҳаррир: *Турсинов Р.*  
Техник муҳаррир: *Жўрабоев А.*  
Саҳифаловчи: *Турғунов Б.*

Нашриёт лицензияси: АІ №159, 14.08.2009.  
Теришга 2014 йил 3 январда берилди.  
Босишга 2014 йил 25 январда рухсат этилди.  
Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. Times UZ гарнитураси. Офсет босма.  
Ҳисоб-нашриёти т.: 2,56. Шартли б.т.: 5,0.  
Адади 1000 нусха.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси нашриёти

«Sirius media» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент ш., Бобур кўчаси, 4-уй.